

Xabar

51
(1005)-son

23-dekabr


www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Соҳа кубоги – ТАТУда



Чемпионликка элтадиган йўлнинг осони бўлмайди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг футбол жамоаси шу мақомга эришиш учун бир неча йиллик йўлни босиб ўтди. Қилинган меҳнат, интилиш ва спортнинг ушбу турига бўлган эътибор, ниҳоят, ўз самарасини берди:
16-18 декабр кунлари ўтказилган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг кўчма кубоги учун футбол бўйича финал босқичи баҳсларида ТАТУ жамоаси бош совринни кўлга киритди.

15-бет

Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Fujitsu, NEC ва Anritsu компаниялари жаҳонда биринчи бўлиб турли ишлаб чиқарувчиларнинг қурилмалари қўлланган оптик тармоқлар орқали 100 Гбит/сония тезликда маълумот узатиш мумкинлигини исботлашди.

Қайд этилган кўрсаткич ўта юқори тезликдаги замонавий тармоқлардан 2,5-10 мартаба тезроқ. Солиштириш учун: 2010 йили интернетга ажратилган линиялар орқали уданишнинг ўртача тезлиги 7 Мбит/сонияни ташкил этди. 2015 йилга бориб бу суръат тўрт бараваргача ошиши — 28 Мбит/сонияга етиши кутиляпти.

Ушбу сонда:

- Муҳокамада меҳнат муҳофазаси 2
- Почта: Сарҳисоб 3
- Самарқанд: Эътиборга лойиқ ишлар 4
- Ҳимоя дастурларига талаб ошаверади 5
- Трибуна специалиста 6

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 декабр куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкilotи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олий органларининг сессияларида иштирок этди. МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига оид ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда парламент юқори палатаси аъзолари, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамкорлигида "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг Қашқадарё ва Жиззах, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги ижросини назорат таҳлил тартибида ўрганиш натижаларига бағишланган қўшма йиғилиш ўтказилди.

Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида "Янги авлод" республика болалар ижодиёти фестивалининг бу йилги голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Талбирда, шунингдек, "Фонд форум", "Меҳр нури" ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг ихтирочилик, фермерлик ва оилавий талбиркорлик соҳалари бўйича махсус грантлари соҳиблари, "Йил аёли — 2011" танлови голиблари ҳам тақдирланди. "Йил аёли — 2011" танловининг бош соврини соҳиби деб топилган Тамара Қаллиқилчиева (Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори)га "Матиз" автомашинаси топширилди.

Бухорода "VI Ибн Сино ўқишлари" республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Анжуманда Ибн Сино меросининг дунё табобати ривождаги улкан аҳамияти ҳақида сўз борди.

Белгияда инглиз тилида нашр қилинадиган оммабоп "New Europe" газетасида "Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларидан қониқш ҳосил қилганини изоҳ этди" сарлавҳали мақола чоп этилди. Мақола халқаро молиявий муассасанинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлиғи ўринбосари Вероника Бакалу раҳбарлигидаги миссиянинг Ўзбекистонда бўлиши яқунларига бағишланган.



Муҳокамада меҳнат муҳофазаси

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг навбатдаги III мажлиси бўлиб ўтди. Унда жойлардан сайланган делегатлар қатнашди.

Мажлис кун тартибидаги асосий масала — "Соҳа корхона, ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати ва ходимларга яратилган меҳнат шaroитлари тўғрисида" Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев маъруза қилди. Маърузачи алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларининг саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва давлат-профилактика тадбирлари бўйича амалга оширилаётган ишларни батафсил таҳлил қилди ва бу борадаги келгуси вазифаларга алоҳида тўхталди.

Ҳисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги компания, жамият ва давлат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилишига 2009 йилда 1 млрд. 954 млн. 583 минг сўм, 2010 йилда 2 млрд. 32 млн. 421 минг сўм ва жорий йилнинг ярим йиллигида 1 млрд. 490 млн. 304 минг сўм маблағ сарфланди. Иш жойларини меъёр талабларига мувофиқлаштириш бўйича "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан бажарилган ишлар салмоқлидир. Ўтган йилларда мазкур компаниялар ходимларга меъёр талабларига жавоб берадиган иш жойларини ташкил қилиш, зарур оргтехника ва компьютер воситалари билан таъминлаш, локал ва интернет тармоғига улашиш ишларига катта эътибор қаратди. Соҳа корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ миқдори 2009 йилда 47,5 минг сўмини, 2010 йилда 55,5 минг сўмини ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг ярмида бу кўрсаткич 53,8 минг сўмини ташкил этди. Соҳа ходим-

лари даврий тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари "Ўзбектелеком" АКнинг "Бош Коммутиция Маркази", "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", Навоий филиалларида, шунингдек, "Ўздунробита" ҚҚда намунали ташкил қилинган. Маз-

Соҳа корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ миқдори 2009 йилда 47,5 минг сўмини, 2010 йилда 55,5 минг сўмини ташкил этган ярмида бу кўрсаткич 53,8 минг сўмини ташкил этди.

кур корхоналарда алоҳида тиббиёт хоналари ажратилиб, малакали тиббиёт ходимларининг хизматлари йўлга қўйилган.

Маълумки, корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва уларнинг бажарилиши шартлари Жамоа шартномалари ва Келишувларда акс эттирилган бўлиб, назорати касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ана шу ҳужжатларга қўра, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жами 686та тадбирни амалга ошириш белгиланган эди. Жорий йилнинг 1 октябрга қадар ушбу тадбирлардан 633таси бажарилди ва бу ишларга 719 миллион 450 минг сўм миқдоридан маблағ сарфланди.

Аммо шунга қарамай, бу борада камчиликлар ҳам учраб туриб-

ди. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари томонидан 46та касаба уюшмаси органлари фаолияти ўрганилган бўлиб, ўрганиш давомида 165та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва меъёрлар бузилиши ҳолатлари аниқланган. Иш берувчиларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 63та банддан иборат 23та тақдимнома киритилди. Касаба уюшмаси органлари аралашуви билан 75та камчилик бартараф қилинган. Шунингдек, иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва ходимларни бахтсиз ҳолисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш масалаларида ҳам камчиликлар мавжуд.

Ушбу масала муҳокамасида вилоятлар ва тизимдаги корхона касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари сўзга чиқишиб, ўз фикрлари ҳамда тавсияларини беришди.

Мажлисида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг 2010 йил август ойидан 2011 йил декабр ойигача фаолияти бўйича ахбороти тингланди ва бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Марказий кенгаш аъзолари Ш.Синдаров ва Ю.Ғафуровлар бошқа ишга ўтганликлари сабабли аъзолардан чиқарилиб, ТАТУ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Д.Мирзаевнинг Марказий кенгаш аъзолигига ваколати тасдиқланди. Марказий кенгашнинг 2011 йил 25 октябрдаги "Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ходимларининг бирлашган касаба уюшмаси қўмитасини Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг хизмат доирасига олиш тўғрисида"ги раёсат қарори тасдиқланди.

III мажлис ишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Ш.Атамұхамедов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси вакили Р.Самарбеков, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассиси О.Ашуров қатнашди ва сўзга чиқишди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Билиб туриб ҳаракат қилмаслик
билмаслик демакдир.

Чжү СИ

Почта: Сарҳисоб

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ инфратузилмасида амалга оширилган ишлар, хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш, моддий-техник базасини янгилаш бўйича белгиланган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Юқоридаги масалалар юзасидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов оммавий ахборот воситалари вакилларига атрофлича маълумот бериб ўтди. Таъкидлашчи, бугунги кунда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимида хизмат кўрсатишнинг янги усуллари йўлга қўйилмоқда. Бу почта хизматлари кўрсатиш сифати янада яхшиланиб, халқаро почта алмашинувини таъминлаш, анъанавий хизматлар билан бир қаторда, шаҳарлар ва халқаро сўзлашувлар, телефон хизматлари учун абонент тўловларини "Ўзбектелеком" АК билнинг тизимига уланган почта бўлимларида тезкор қабул қилиш каби янги хизматларнинг жорий этилишида намоён бўлмоқда. Шунингдек, коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ҳам тўловлар йиғилмоқда.

Почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни қондириш, почта соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, хизматлар турларини кенгайтириш, почта орқали пул маблағлари жўнатмалари (шу жумладан, хориж мамлакатлари билан)ни айирбошлашни ташкил этиш, почта хавфсизлигини таъминлаш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, почта

алоқаси хизматлари сифати ва ишончилигини ошириш учун ахборот технологияларини кенг қўллаш, ва албатта, соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминлаш бугунги кунда Ўзбекистон миллий почта операторининг асосий вазифаларидан саналади.

Бу мақсадларни амалга ошириш борасида очиқ акциядорлик жамияти таркибидан 14та филиал, 174та почта ва шаҳар почта алоқаси тармоғи, 2986та почта алоқаси бўлими фаолият кўрсатяпти. Почта жўнатмалари 30та авиа, 2та темир йўл, 436та автомобил почта ташиш йўналишлари ҳамда 20та кўча почта алоқаси бўлимлари орқали етказилмоқда ҳамда бу жараёни тезлатиш мақсадида жойлардаги почтачилар 2480та велосипед билан таъминланган.

Жамиятнинг худудий филиалларида ОАТ "Алоқабанк" ва бошқа банклар билан ҳамкорликда ўрнатилган 870та (45та мобил) пластик карточка терминаллари орқали аҳолига хизмат кўрсатиляпти. "Тошкент почта-ти" филиалида эса интернет орқали курерлик хизмати учун буюртмаларни қабул қилиш тизими жорий этилган.

Электрон пул ўтказмалари тизи-

ми "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда олти йил иллари, яъни 2005 йилнинг декабр ойида ишга туширилган эди. 2007 йилда эса Халқаро электрон пул ўтказмалари хизмати ташкил этилди

тернет, электрон почта ва бошқа замонавий хизматлар тақдим этиб келиняпти.

2010 йили "Ўзбекистон почтаси" ОАЖга ISO 9001:2008 халқаро стандартлар талабига мувофиқ Сифатни бошқариш тизимини жорий этганлиги ва муваффақиятли қўллаётганлиги тўғрисидаги DQS халқаро сертификация тармоғи ҳамда Ўзстандарт агентлигининг миллий сертификатлари топширилди.

Матбуот анжуманида очиқ акциядорлик жамиятида 2011-2012 йиллар учун мўлжалланган "Почта алоқаси бўлимлари даражасида технологик жараёнларни автоматлаштириш ва янги хизмат турларини жорий этиш" лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Мазкур лойиҳага кўра, пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва нозирати автоматлаштирилган тизими, автоматлаштирилган молиявий ҳисоб-китоби тизими, "Обуна" автоматлаштирилган тизими яратилиб, ишга туширилади, шунингдек, 250та почта алоқаси бўлими янги мебеллар билан жиҳозланади.

Тадбир доирасида почта хавфсизлиги, кадрлар масаласи, обуна, реклама ва бошқа муҳим йўналишлар қизгин муҳокама қилинди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга почта мутахассисларидан батафсил жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

Почта алоқаси объектлари қошида очилган 47та (5таси қишлоқларда) интернет-кафеларга ўрнатилган 236та компьютер орқали аҳолига интернет, электрон почта ва бошқа замонавий хизматлар тақдим этиб келиняпти.

ва Бутунжаҳон почта иттифоқининг IFS Light электрон пул ўтказмалари тизими орқали Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон ва Молдова мамлакатлари билан хизматлар алмашиш бошланди.

Почта алоқаси объектлари қошида очилган 47та (5таси қишлоқларда) интернет-кафеларга ўрнатилган 236та компьютер орқали аҳолига ин-

"Матбуот тарқатувчи" АК тақдимоти

Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари ва алоқа соҳаси корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ўртасида назария ва амалиётни бир-бирига боғлаш мақсадида ҳар ҳафтанинг шанба куни учрашувлар ўтказиш анъанага айланган.



Ушбу анъанага мувофиқ ТАТУда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни ЎзААА Бош директори, ТАТУ ректори Ҳаким Муҳитдинов очди. Сўнгра "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори Сувон Нажбидинов компания фаолияти тўғрисида талабаларга батафсил маълумот берди. Талабаларнинг матбуот тарқатишга оид ҳамда ўқиш жараёнидаги билим салоҳиятларини текшириш мақсадида билимдон-

лик викторинаси ҳам ўтказилди. Ушбу викторинада фаол қатнашган ҳамда саволларга тўлиқ жавоб берган талабалар компаниянинг совғаларини қўлга киритдилар.

Йиғилиш сўнгида талабалар ва йиғилиш қатнашчиларининг "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси билан боғлиқ саволларига компания бош директори Сувон Нажбидинов жавоб берди. Шу қаторда энг яхши савол соҳиби, йиғилишда фаол қатнашган талабалар ҳам компания совғаларига эга бўлишди. Учрашув кўтаринки руҳда, талабалар фаолиятида ўтказилди.

Контрафакт дисклар

Виталий Юнусовдла, Руслан Сергелида яшайди, Алексей эса асли янгийўллик. Бу учовлонни пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида нима бирлаштирди дерсиз? "Шунчаки, тирикчилик туфайли биргалашдик", — дейди уларнинг бири. Иккинчиси: "Адашибмиз", — деса, учинчиси, "Қонунни бузмадик", деган вақтда ўртага ташлайди. Уларнинг айби нимада, нега улар судланишди?..

Гап шундаки, Виталий Ким ва унинг дўстлари қонунга хилоф тарзда контрафакт дисклар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланди. Р.Гилмутдиновнинг Қорақамиш даҳасидаги ҳоласига қарашли хонадонни яширин сехта айлантирган бу учовлон компютер, принтер ва бошқа зарурий техникаларни сотиб

олиб, ушбу хонадонга ўрнатишди. Давомли тарзда муаллифлик ҳуқуқини поймол қилиб, ўзбек ва хориж кўшиқлари, филмлар, мултифилмлар ва компютер дастурлари ёзилган DVD ва CD дискларни тайёрлашди.

Департаментнинг Яққасарой туман бўлими ходимлари томонидан ташкил этилган тадбир чоғида уларнинг ноқонуний ишлари фош этилди.

Қонунбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига кўра тегишлича жазо тайинланди.

Ҳусниддин ТУГАЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар Яққасарой тумани катта инспектори

Тиббий кўрик — саломатлик гарови

Маълумки, иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, алоқа корхоналари ишчи-хизматчилари ва ходимларини вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш маъмуриятлар ва касаба уюшмаси кўмиталари ўртасида тузиб келинаётган жамоа шартномаларининг муҳим бандларидан биридир.

Мана бир неча йилдирки, "Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникация боғламаларида мазкур муҳим тадбирни ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказишга жиддий ёндашилмоқда. Бу йил ҳам шундай бўлди. Бухородаги 3-поликлиника шифокорларидан бир гуруҳи олий тоифали врач-терапевт Гуласал Адизова бошлигида филиал ҳамда шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходимларини навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказишди. Асаб касалликлари шифокори Дилафруз Аҳмедова, қулоқ, томоқ, бурун хасталиклари бўйича олий тоифали врач Олим Турсунов, ичак касалликлари шифокори Эркин Ҳаётов, акушер-гинеколог Юлдуз Сайфиддинова, кўз касалликлари шифокори Зилола Ҳамроева, жарроҳ Собир Шукурлаев ва бошқалар қабулга келганларга тегишли тиббий маслаҳат, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни бердилар. Россиянинг "Лукойл" компанияси томонидан тақдим этилган замонавий рентген асбоб-ускуналари билан жиҳозланган сўнгги русумдаги транспорт воситаси ҳам ишчи-хизматчилар ва ходимларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказишда қўл келди.

Худди шундай тиббий кўриқлар вилоятнинг бошқа бир қатор телекоммуникация боғламаларида ҳам ташкил этилди.

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Алоқачининг уриб турган юраги — "Xabar"

Муболагага йўйман-гу мен учун айнан шундай. Агар кимгаки, бу таъриф-тавсиф ёқмаса, демак у алоқачи эмас. "Xabar"дан топганларим" мақола-сини ўқир эканман халимдан ана шу фикрлар ўтди. Ва шуни ҳам айтиш керакки, салкам йигирма йилдан буён "Xabar"ни қўлдан қўймай келаётганлар орасидан асл алоқачилар етишиб чиққан. Улар кўпчилик. Улар бизнинг устозларимиз, Форобий бобо таъкидлаганларидек, билиш ва ўқишга муҳаббатли инсонлардир.

Чиндан ҳам инсоннинг бахти-иқболи билимда, имкон қадар кўпроқ билимга эга бўлишда. Бунга ана шу устозларимиз ҳаёти ва фаолияти ёрқин мисол бўла олади. Улар кун-тун ҳаловат нима билмайдилар, қандай қилсам соҳа янаям жадал тараққий этади, нима қилсақ хизматлар сифати юксалади, алоқа-

чи турмуш сифатини яхшилашнинг яна қандай йўллари бор — бош қотирдилар. Филлимиз қошида ташкил этилган МЧЖ томонидан байрамларда икки марта гушт берилди. Арзон баҳода тухум сотилмоқда. Бундан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, барча фахрийлар ва бола парваришида таътилда бўлганлар ҳам баҳраманд бўдилар. Мен бу меҳр-оқибатдан ич-ичимдан қувонаман. Мундоқ фикрлаб кўрсак, улар шу нарсаларга муҳтож эмас. Бироқ, жамоа эътибори ва эътирофи ҳар нарсадан улуг ва бебаҳодир. Мен уларнинг "Раҳмат. Кўнглим тоғдек қўтарилди" деган хитобларини юрак-юракдан ҳис этаман. Бинобарин, бир даврлар ёшлик гайрат-шижоатларини соҳа ривожига бахшида этганларга ҳиммат кўзи билан қараган асло кам бўлмайди. Шундай чоғ-

AKS-SADO

ларда почтачилик касбимни камтарин меҳнатларим билан ардоқлаётганимдан ва шундай устозларим билан фахрлиб кетаман.

Демоқчиманки, бу эзгу ишларда даъват этишда соҳамиз газетасининг ҳиссаси гоғта беқиёсдир. Зеро, "Xabar" алоқачи маънавияти ва интеллектуал салоҳияти жонкуяри. Бир сўз билан айтганда, "Xabar" алоқа соҳасининг тимсолидир. Биз севимли газетамизни мутулаа қилар эканмиз, таҳлиллар асосида хулосалар ясаймиз, почтанинг эртаси гўзал бўлиши учун баҳолиқудрат ўз улушимизни қўшишга интиламиз. Мана шундай мутулаа дамлари ҳаётимиздаги энг содатли дамлардир десам, ишонаверинг.

Обиджон УМАРОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Фарғона филиали
атакчи мутахассиси

Директор

Илм билангина ҳам дин, ҳам дунё учун хайрли ишлар қилиш мумкин.

Абу Райхон БЕРУНИЙ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:



"EXPERT INVEST" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003441 рақамли;

"SAPFIR ELEGANT STIL" масъулияти чекланган жамиятнинг (Анджон ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003219 рақамли;

"EMERALD-LUX" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001968 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 15 декабрдан тугатилди.

Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2011 йил 3 декабрдаги 79-сон мажлиси баёни қарорининг 7.1-бандига асосан "ДИЙДАР-МЕДИА" масъулияти чекланган жамиятнинг (Нукус ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2010 йил 19 августда берилган АА серияли 0003367 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 16 декабрдан 3 ой муддатга тўхтатилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали томонидан жорий йилда эътиборга лойиқ бир мунча ишлар амалга оширилди. Почта алоқаси тармоқлари ва бўлимлари, мавжуд 303та механик тарозиларга қўшимча тарзда, 336та замонавий электрон ўлчаш воситалари билан жиҳозланди.

Филиалда почта жўнатмаларига ишлов бериш, манзиллари бўйича ажратиш ва даврий матбуот айирбошлаш масканларига ўтган йилда бир донадан металлдетектор ва дозиметр асбоблари ажратилди ва почта хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, хизмат савиясини ошириш мақсадида замонавий портатив рентген қурилмаси ўрнатилди.

Филиалнинг барча туман, шаҳар почта алоқаси тармоқлари тегишли компютер ва серверлар билан таъминланди, жойларда локал тармоқлари

лейди биз билан суҳбатда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали директори Шароф Йўлдошев. — Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шаҳобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларининг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорини бажариш бўйича филиалда икки босқичли компютер саводхонлиги бўйича ўқув-семинар дастури ишлаб чиқилиб, почта алоқаси тармоқларида икки

Самарқанд: Эътиборга лойиқ ишлар

ташкил этилди. Электрон ва гибрид почта хизматлари кўрсатиш учун иш жойлари замонавий техникалар билан жиҳозланиб, электрон манзиллар очилган, шу билан бирга, электрон маълумот тизими ишга туширилган.

Аҳолига телефон сўзлашув хизматлари кўрсатиш ва ўшбу қўшимча хизмат тури орқали даромадларни ошириш борасида алоқа бўлимларига телефон сўзлашувлари учун "Ўзбектелеком" АКнинг Самарқанд филиали ва Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламаси, "ЎзМобайл", "Перфектум Мобайл" уяли компанияларининг алоқа хизматларидан фойдаланилмоқда. Мавжуд 25та алоқа объектида электрон почта ва бошқа бир қатор хизматлар ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Жорий йилда 73та алоқа бўлимида электрон пул ўтказмалари қабул қилиш ва жўнатиш ташкил қилиниб, жами уларнинг сони 89тага етказилди.

Филиалга қарашли почта алоқаси бўлимларида аҳолига қулай ва тезкор почта хизматларини кўрсатиш мақсадида обунани расмийлаштириш, коммунал тўловлар ҳамда телефон сўзлашувлари хизматлари учун тўловларни қабул қилишда тижорат банкларининг 55та тўлов терминаллари ўрнатилиб, аҳолига нақд пулсиз хизмат кўрсатилмоқда.

Филиал бошқарувида "Е-ХАТ" "Е-HUJAT" электрон ҳужжатлар айланмаси жорий этилди ва бу туман, шаҳар почта алоқаси тармоқларида ҳам ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Филиалда ахборот-коммуникация технологияларини почта соҳасига жорий этиш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилиб, почта алоқаси тармоқларидаги компютерлар сони 249тага етказилди. Локал ва корпоратив тармоқ орқали ишлар йўлга қўйилди. Мазкур компютерлар филиал почта тармоқларида ЭПУ (электрон пул ўтказмалари), ЭХА (электрон хат-хабарлар айланмаси), электрон почта хизматлари ҳамда интернет-кафе хизматларидан фойдаланилмоқда.

— 2011 йил бошидан ТАТУ битирувчиларининг 9 нафари ва вилоятдаги компютер технологиялари касбхунар коллежлари битирувчиларининг 21 нафари ишга қабул қилинди, —

гуруҳдан машғулотлар ўтказилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг 2008 йил 9 июндаги "Почта алоқаси ходимларининг малакасини ошириш ҳақида"ги буйруғига асосан, филиалнинг 2008 йил 13 июндаги 134-сонли буйруғи чиқарилди. Буйруқ билан 135 соатлик ўқув дастури асосида малака ошириш бўйича алоқа коллежи билан шартнома тузилиб, 180 нафар ходим курсларда ўқитилди. Ўқув-семинарлари якуни бўйича малакали комиссия томонидан компютер саводхонлиги бўйича имтиҳонлар олиниб, ҳар бир ўқув-семинар қатнашчисига сертификат берилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган "Бунёдкор ёшлар" ўқув отрядлари томонидан республика аҳолисини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир режасининг бажарилиши тизимини ишлар амалга оширилиб, ташкил этилган ўқув курсларида почта алоқаси соҳаси ходимларининг 87 нафари иштирок этди.

Ўтган йили филиал томонидан вилоятнинг Булунгур тумани Бешқуби массивидаги захира ер майдонидан 5 гектар ерда янги боғ барпо этилди. Икки гектар майдонга 832 туп шафтоли, 2 гектар майдонга 356 туп ўрик ва бир гектар майдонга 333 туп олма кўчатлари ўтказилиб, парваришланди.

"Кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик йили Давлат дастури"ни бажариш мақсадида 5 гектарлик боғ ниҳоллари ораларига баҳорда арпа, картошка ва сабзи экилиб, бир ярим тонна арпа, олти тонна картошка ва икки тонна сабзи етиштирилди ва корхона ишчи-хизматчиларига тарқатилди. Бундан ташқари, ходимлар дастурхонига корхона томонидан йил давомида 7842 кг. ўсимлик ёғи, 6535 кг. шакар ва шунча гуруч, макарон, 6,5 тоннадан картошка, сабзи ва пиёз, 5,5 тонна мewa, 1,2 тонна гушт ва 39,1 миң дона тухум, жами 149,6 млн. сўмлик маҳсулотлар етказиб берилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг
Самарқанд вилоятидаги мухбири

"Наҳанглар" жанги

The Wall Street Journal бизнес-нашри хабар тарқатишчи, сўнгги икки ойда Microsoft ва Nokia компаниялари биргаликда BlackBerry смартфонларини ишлаб чиқарувчи Research in Motion (RIM) компаниясини харид қилиш масаласини қизгин муҳокама қилган.

Ҳозир "РИМ" осмонда қора булутлар сузиб юрибди — учинчи чорақ ҳисоботи савдо ва фойда кўрсаткичлари тушиб кетганини кўрсатди. Акциядорлар раҳбариятнинг алмаштириш ёки компанияни софтвер ва хардвер бўлинмаларига ажратишни талаб қилишмоқда. Компания топ-менежерлари, ўз навбатида, яқин орада тизимда ўзгариш бўлмаслигини билдиришди. Бор умид фақат яқинда бозорга чиқарилажак янги BlackBerry 10 амалиёт тизими ва туркум смартфонларда қоляпти. Нима бўлганда ҳам, ҳозир компания қимматбаҳо қоғозлари саккиз йил аввалги нарҳида сотилапти, бу ҳолат ахборот технологиялари уммонида сузиб юрган улкан наҳанг-компаниялар эътиборини тортмаслиги мумкин эмас.

Youtube рейтинги

Google компанияси 2011 йили ўзининг YouTube видеохостингида энг кўп томоша қилинган видеороликлар номини маълум қилди.

Яқунланаётган йилда YouTube орқали 1 000 000 000 000 (бир триллион)дан кўп мартаба видео кўрилган. Уртача ҳисобланса, сайёрамиздаги ҳар бир кишига 140та видеоролик тўғри келади.
 YouTube ТОП-10: 1. Rebecca Black — Friday (OFFICIAL VIDEO), 2. Ultimate Dog Tease, Jack Sparrow (feat. Michael Bolton), 3. 4 Talking Twin Babies — PART 2 — OFFICIAL VIDEO, 5. Nyan Cat [original], 6. Look At Me Now — Chris Brown ft. Lil Wayne, Busta Rhymes (Cover by @KarminMusic), 7. The Creep (feat. Nicki Minaj & John Waters), 8. Maria Aragon — Born This Way (Cover) by Lady Gaga, 9. The Force: Volkswagen Commercial, 10. Cat mom hugs baby kitten.

Кимга маза, кимга...

Евротат: 500 миллионли Европа Итифоқи фуқароларининг деярли тўртдан бир қисми интернетдан умуман фойдаланмаган.

Бу борада юқори даражада "рақамлашган" шимол билан жанубий ва шарқий Европа ўртасида катта тафовут кузатиляпти. Чунончи, Руминия хонадонларининг ярмидан кўпи, Болгария, Греция, Кипр ва Португалия мамлакатлари хонадонларининг ярмига яқини интернетга уланмаган.

Ҳаётини интернетсиз тасаввур эта олмайдиган мамлакатлар рўйхатини 94 фоиз аҳолиси глобал тармоққа уланган Голландия бошқармоқда. Бу борада унинг энг яқин қўшилари 90 фоизлик довонни аллақачонлар забт этган Люксембург, Швеция ва Дания ҳисобланади.

Ҳимоя дастурларига талаб ошаверади

Хакерлик стратегиялари ривожланишига ҳамоҳанг равишда антивирус дастурларига бўлган талаб ошиб бораверади. Canalys компанияси бу ҳақда 2012 йилги антивирус саноати ҳисоботида маълум қилди.

Янаги йили антивирус дастурлари ва ҳимоя платформалари корпоратив бозори 8,7 фоизга ёки 22,9 млрд. долларгача ошиши мумкин.

2012 йилнинг асосий антивирус вендорлари булар — Symantec, McAfee ва Trend Micro компаниялари, бироқ савдо ҳажми кўрсаткичлари буйича уларни Panda Security, Касперский Лабораторияси ва AVG компаниялари қувиб ўтиши ҳисоботда келтирилган.

Икки томонлама манфаат

Samsung зарар ҳисобига ишлаётган қаттиқ дисклар бўлинмасини Seagate компаниясига сотди. Seagate 1,4 млрд. доллар эвазига инфратузилма ва ходимларга эга бўлади.

Баъзи винчестер турлари яна 12 ой Samsung савдо белгиси остида чиқарилишига келишилган.


Сўзи билан иши бир бўлса...

Жаҳоннинг энг йирик Facebook ижтимоий тармоғи Greenpeace ташкилоти билан ҳамкорликда Unfriend Coal деб номланган акция ўтказмоқда. Акция замонавий компютер техникаси, серверлар, планшет ва смартфонларни ишлатишда энергиянинг экологик тоза манбаларидан фойдаланишга чорлайди.

Қизиги, жорий йилнинг апрелида Greenpeace экологлари ҳавони энг кўп ифлослантирувчи дата-центрлар рейтингидан Facebookни ҳам кўрсатиб ўтишганди.

"ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ" ДУК ЖАМОАСИ

Кириб келаётган янги — 2012 йил билан юртимиз аҳолиси ва барча ҳамкасбларини кутлайди.



ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Энг эзгу тилаklarини юртдошларимизга йўллайди.



Мустаҳкам оила йили бўлмиш

2012 йил

сизга олам-олам бахт келтириб, турмушингизга фаровонлик олиб кирсин!

ДАЛЬНЕЙШЕЕ ВНЕДРЕНИЕ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА в Центре Электромагнитной Совместимости

Центр электромагнитной совместимости (ГУП ЦЭМС) является государственным унитарным предприятием, созданным для выполнения функций по выдаче разрешений на пользование радиочастотами, обеспечению электромагнитной совместимости и мониторингу радиочастотного спектра.



Деятельность ЦЭМС и его региональных филиалов направлена на выполнение договорных обязательств по предоставлению услуг, качество которых соответствует нормативным требованиям и ожиданиям потребителей. Предприятие имеет самую современную техническую базу, развитую инфраструктуру, высококвалифицированный персонал, гибкую структуру управления и способно решать самые сложные задачи по обеспечению электромагнитной совместимости в республике и удовлетворению потребностей пользователей радиочастотного спектра.

Область распространения СМК ГУП ЦЭМС — предоставление услуг по выдаче разрешений на пользование радиочастотами, обеспечение электромагнитной совместимости и мониторинг радиочастотного спектра.

Система менеджмента качества ГУП ЦЭМС распространяется на все (в том числе региональные) структурные подразделения ГУП ЦЭМС, которые в соответствии с перспективными целями и задачами СМК постепенно будут охвачены сертификацией СМК.

Для обеспечения успешной деятельности предприятия, основываясь на 8 принципах СМК, разработало, документально оформило, внедрило, постоянно поддерживает и совершенствует Систему Менеджмента Качества в соответствии с требованиями ИСО 9001:2008.

Разработанная система менеджмента качества является основой для развития и постоянного улучшения всех процессов ГУП ЦЭМС с целью:

- повышения удовлетворенности заказчиков предоставляемыми услугами;

- упорядочения взаимодействия между отделами (службами) и региональными подразделениями, разграничения и определения ответственности различных подразделений, участвующих в одном (под)процессе;

- упорядочения работы с персоналом;

- установления в ГУП ЦЭМС системы раннего обнаружения и исправления несоответствий, а также своевременного их предотвращения;

- достижения прозрачности деятельности ГУП ЦЭМС путем применения процессного подхода и упорядочения работы с документацией и записями.

Внутренние аудиты проводятся согласно программы аудита. Понимая, что выявленные несоответствия или рекомендации являются инструментом по улучшению, сотрудники отделов и служб предприятия вовлече-

ны в процесс улучшения системы менеджмента качества.

В период 10.05-12.05.2011 года со стороны Иностранного Предприятия "SGS Ташкент Лтд." был проведен надзорный аудит системы менеджмента качества в центральном аппарате ГУП ЦЭМС, СТБК Самаркандской области и Республики Каракалпакстан, который подтвердил соответствие действующей Системы Менеджмента Качества требованиям международного стандарта ИСО 9001:2008. Также, в целях расширения действующей системы менеджмента качества в ГУП ЦЭМС в областные подразделения, 2011 году данная система была внедрена и сертифицирована в СЭМС Ферганской, Сырдарьинской и Джизакской областей.

В настоящее время идут подготовительные работы по представлению к сертификации СЭМС Андижанской, Наманганской и Хорезмской областей.


Матвера МАТЧАНОВА,
начальник службы менеджмента качества ГУП ЦЭМС

77 ОТДЕЛЕНИЙ ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ ОБЕСПЕЧЕНЫ НОВОЙ ОФИСНОЙ МЕБЕЛЬЮ

Во исполнение II-этапа проекта модернизации "Автоматизация технологических процессов на объектах почтовой связи и развитие новых видов услуг до районного уровня" рабочие места 77 отделений связи ОАО "Узбекистон почтаси" обеспечены новой офисной мебелью. Данное мероприятие направлено на улучшение условий труда работников почтовой связи и повышение культуры обслуживания клиентов.

pochta.uz

МЕГА АКЦИЯ: ПЛАНШЕТЫ IPAD2 ДОСТАЛИСЬ ЖИТЕЛЯМ 5 ОБЛАСТЕЙ



Единый оператор связи "Билайн" (ООО "Unitel" и СП "Buzton") вновь подводит итоги Мега Акции для действующих и новых абонентов компании. Напомним, что до 25 декабря каждый из них может стать обладателем планшета iPad2, телефонов Samsung Galaxy S2 и Nokia X1-00, а также множества бонусов от "Билайн".

В розыгрыше ценных и бонусных призов, который прошел 16 декабря в прямом эфире радиостанции "Узбегим Таронаси", еще 5 счастливых абонентов выиграли свои iPad2 от "Билайн".

Акция продлится до 25 декабря 2011 года, а для участия в ней нужно лишь подключиться к "Билайн" и общаться. Активными абонентами акции считаются те, чьи расходы на услуги оператора (голосовая связь, SMS, MMS, мобильный Интернет и т.п.) составляют не менее 2000 сум за календарную неделю, т.е. с понедельника по воскресенье.



КОРОТКО...

Операторы связи ВТ и Orange Business Services подписали глобальное соглашение о возможности клиентов каждой из компаний участвовать в telepresence-встречах друг с другом. Сотрудничество ВТ и Orange позволит пользователям telepresence общаться с большим количеством партнеров, поставщиков и клиентов, используя публичные или частные комнаты telepresence.

На сертификацию в Федеральную комиссию США по связи (FCC) поступил портативный компьютер XO-1.75 разрабатывающийся участниками проекта OLPC. Выпуском компьютеров займется компания Quanta Computer. Анонс ноутбука XO-1.75 ожидается в 2012 году; его цена не должна превысить 200 долларов.

В текущем году компания Samsung реализовала уже более 300 млн. смартфонов и мобильных телефонов. Это абсолютный рекорд для южнокорейского производителя.

По оценкам Gartner, компания Samsung сейчас является вторым по величине производителем сотовых аппаратов в мировом масштабе (после Nokia). В третьем квартале корейцы поставили 78,6 млн. смартфонов и телефонов, что

соответствует 17,8% рынка. Год назад доля "Самсунга" равнялась 17,2%.

Если рассматривать только сегмент "умнофонов", то Samsung занимает лидирующую позицию. В прошлом квартале компания реализовала 27,8 млн. смартфонов; рыночная доля составила 23,8%.

Google — ведущий мировой интернет-поисковик в очередной раз подвел итоги года по критерию возросшей популярности запросов.

В глобальном рейтинге самых быстрорастущих запросов победила 13-летняя "исполнительница" с очень, весьма, чрезвычайно сомнительным музыкальным и поэтическим... талантом — Ребекка Блэк. Второе место выцарапала себе "социальная платформа" Google+, запущенная в июне. Дальше в порядке веб-любви идут: погибшая в автокатастрофе звезда телешоу "Чудаки" Райан Дани; американка Кейси Энтони, которая обвинялась в убийстве малолетней дочери, но была оправдана присяжными; Battlefield 3; iPhone 5 (на поверку оказавшийся 4S); певица Адель; Токийская энергетическая компания, эксплуатирующая АЭС "Фукусима-1"; Стив Джобс и iPad 2.

Независимый американский режиссёр Хуман Халили

выпустил, по всей видимости, первый полнометражный фильм, снятый на смартфон. Премьера состоится 16 декабря. Картина "Олив" (Olive) создана с помощью хорошо знакомого читателям аппарата Nokia N8, оснащенного 35-миллиметровым объективом для дополнительной глубины резкости.

Первые пять минут фильма, выложенные в Интернет, уже дали повод для слухов в Голливуде, где киноиндустрия готовится к очередному награднему сезону. Мол, в феврале картина обязательно будет как минимум номинирована на "Оскар".

Даже в самых простых компьютерных программах можно найти алгоритмы, которые способны создавать прекрасную музыку, считает финский художник и артизан Вилле-Маттиас Хейккиля. Он и его коллеги примерно год экспериментировали с выходным аудиосигналом простых программ, закольцованных в бесконечный цикл. Результат вместе с исходным кодом мелодий выложен на YouTube.

Г-н Хейккиля отмечает, что программы генерируют удивительно интересную музыку, иногда повторяя только две или три арифметические операции.

Хабар + TV

2011-йил 23-декабр
51 (1005)-сон

ЎЗБЕКИСТОН

- 05:55 Қўрсатувлар дастури.
- 06:00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 07:05 "Одам ва одам" дастури: "Бордат денизи".
- 07:20 "Иқлим".
- 07:25 "Сўғит қиролчи". Т/с.
- 08:00 "Ҳадиснома".
- 8:45 - 9:35 "Мингавинг" дастури.
- 09:35 "Қўрсатувлар саргузашлари". М/с.
- 09:55 "Иқлим".
- 10:00 ТелеТепар: "Тошкентга саёбат".
- 10:45 "Саломатлик сирлари".
- 11:00 "Азборот".
- 11:15 "Жаҳки Дорринг". Т/с.
- 12:00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 12:50 "Қўнғил қўнғил истайд".
- 13:00 "Ватанпарвар".
- "Болалар сайёриси".
- 13:40 "Сехди қалам". М/с.
- 14:00 "Азборот".
- 14:20 Миллий кино: "Тўзалик сир".
- 15:45 "Иқлим".
- 15:50 "Одам ва одам" дастури: "Ер сайёриси".
- 16:40 "Ўзбекистон музейлари".
- 17:00 "Азборот".
- 17:15 "Сўғит қиролчи". Т/с.
- 17:50 "Иқлим".
- 18:00 "Қўнғил қўнғил истайд".
- "Болалар сайёриси".
- 18:05 "Азборот" - ахшиликка оидлар.
- 18:20 "Ватан манзиллари".
- 18:35 Миллий сериал: "Янги йил тўғриси".
- 19:20 ТВ - шифоқор.
- 19:25, 20:00, 20:55 Ҳўнарлар.
- 19:30 "Азборот" /рус/.
- 20:10 "Оттин мерос".
- 20:20 Миллий сериал: "Опа - синдилар".
- 21:00 "Азборот".
- 21:45 "Сарошоб - 2011".
- 22:00 "Қўнғил қўнғил". Т/с.
- 22:45 "Иқлим".
- 22:50 "Жаҳки Дорринг". Т/с.
- 23:35 "Одам ва одам" дастури: "Бордат денизи".
- 23:50 - 23:55 "Отун".
- 23:55 Қўрсатувлар дастури.
- 00:00 "Ўртин бўйлаб" дастури: "Қор ёни елар".
- 00:10 ТелеТепар: "Тошкентга саёбат".
- 00:55 "Қўнғил қўнғил истайд".
- 1:35 - 2:35 "Мингавинг" дастури.
- 02:35 "Иқлим".
- 02:40 "Ватан манзиллари".
- 02:55 "Оттин мерос".
- 03:10 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 4:00 "Азборот".
- 04:40 Миллий сериал: "Опа - синдилар".
- 05:15 "Саломатлик сирлари".
- 05:30 "Икки дарё оралиғида".
- 05:50 - 05:55 "Отун".




ДУШАНБА — 26 ДЕКАБР

- 20:20 "Қўнғил қўнғил".
- 20:30 "Истиклол катқони".
- 20:40 "Кўшмоқчи".
- 21:00 "Янги йил шўқури".
- 21:10 "Қорол ва қанзак". Т/с.
- 22:00 "Давр".
- 22:30 "Ҳуш келибсиз еки Жанжалқаш қўнғилар". Б/ф.
- 01:00 "Ватан меҳри".
- 00:10 "Ешлик наволари".
- 00:30 "Муҳажжарий дунё".
- 01:50 "Ўрт пўбонлари".
- 02:00 "Давр".
- 02:30 "Нарон психологияси".
- 03:00 "Ўзбекин ешлари".
- 03:50 "Оттин тўрқор".
- 04:10 "13-студия".
- 04:40 "Қинопайла".
- 05:10 "Ҳўқор".
- 05:30 "Янғил зағир".
- 05:50-06:00 "Янги йил шўқури".

ЎЗБЕКИСТОН

- 6:00 Қўрсатувлар тартиби.
- 6:05 "Эйрақ". Телевизи.
- 6:30 Миллий сериал: "Узи уйланимади соғинг". 5-қисм.
- 7:05 "Мўлаҳза учун мўлаҳза".
- 7:30 "Салом, Тошкент".
- 8:30 Тошкент тароналари.
- 8:40 "Ўзларим".
- 8:45 "Икки тақдир". Т/с. 77-қисм.
- 9:10 "Интернау".
- 9:20 Интеллектуал аукцион".
- 9:30 "Пошта".
- 9:45 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўдрларининг 20 йиллиги оидлар.
- "Муҳажа Вазирини намунали қарбни сардаси изқор элади".
- 10:00 "Йўриг".
- 10:30 "Пошта".
- 10:45 "Узанинг чинтиси". Б/ф.
- 12:20 "Ғазал бўстон".
- 12:25 "Менинг шайтам".
- 12:40 "Тендошлар".
- 13:00 "Салом, Тошкент".
- 13:10 "Дунё". Теледустури.
- 15:00 "Пошта".
- 15:15 "Икки тақдир". Т/с. 78-қисм.
- 15:40 "Митинговлар оиласи".
- 16:00 Тошкент тароналари.
- 16:05 "Эртингиз эгалари".
- 16:25 "Молия".
- 16:40 "Эко-пойтахт".
- 16:50 "Саломат бўлинг".
- 17:05 "Авер Ҳаюто". М/ф. 1-қисм.
- 17:45 "Қасбим-қарим".
- 18:00 "Пошта".
- 18:25 "Этиқат".
- 18:40 "Бизнизе - пойтахт".
- 18:45 "Интеллектуал аукцион".
- 18:55 Миллий сериал: "Узи уйланимади соғинг". 6-қисм.
- 19:30 Тошкент тароналари.
- 19:40 "Телекурер-маркет".
- 19:50 "Ўзларим".
- 20:00 "Пошта".
- 20:25 "Жумон". Т/с. 1-қисм.
- 21:05 Тошкент тароналари.
- 21:10 "Телекурер-маркет".
- 21:20 "Ўзларим".
- 21:30 "Пошта". /рус/.
- 21:55 "Интернау".
- 2:05 "Қино SMS со эғваҳинг".
- 22:10 "Тўқубока зима". Х/ф.
- 22:45 "Эко-пойтахт". /рус/.
- 00:00 "Қўрсатувлар тартиби".
- 00:05 "Чарни пўққоқларига бағриш". Х/ф.
- 1:50 "Великий поток". Д/ф. 1-қисм.
- 2:50 "Эко-пойтахт". /рус/.
- 3:05 "Ўзларим".
- 3:10 "Қоғон доғрасида".
- 3:25 "Узанинг чинтиси". Б/ф.
- 5:00-6:00 "Салом, Тошкент".



- 6:00 "Хайрият тоғи".
- 6:10 "Саломат бўлинг".
- 6:30 "Спортичлар оиласи".
- 7:05 "Жаҳки Дорринг" қўнғиллари - "Еше Фертхессен".
- 7:25 Болалар майдончаси.

СПОРТ

- Тоғити гимнастика.
- "Спортландия". Мультифилм.
- 8:00 ХАВАРЛАР.
- 8:30 "Саломат бўлинг".
- 8:50 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 10:35 Суғит. Европа ҳамда АКШ клублари баҳси.
- 11:50 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
- 13:10 Рақамлар, нитикалар, реинтлар.
- 13:15 Болалар майдончаси.
- "Спортландия". Мультифилм.
- 13:45 "Спорт - менинг ҳаётим".
- 14:10 Футбол. U-17 жаҳон чемпионати - Германия - Эвродор.
- 15:55 "Ринг қиролчи".
- 17:00 Болалар майдончаси.
- "Спортландия". Мультифилм.
- 17:30 ХАВАРЛАР.
- 17:50 Саломатлик хазинаси.
- 17:55 Футбол. Англия чемпионати.
- "Челси" - "Фулэм". Туринли - турли олимб қўрсатилди.
- 19:55 Футбол. Англия чемпионати.
- "Манчестер Юнайтед" - "Эдинг". Туринли - турли олимб қўрсатилди.
- 21:00 Футбол. "Спорт" - мисек".
- 22:00 ХАВАРЛАР.
- 22:20 Саломатлик хазинаси.
- 22:25 Футбол. Туркия турнава.
- 23:25 Сашаба дастури анониси.
- 23:35 ИнтерФутбол.
- 24:00 ХАВАРЛАР.
- 1:40 Футбол. U-17 жаҳон чемпионати.
- Бразилия - Дания.
- 3:20 Суғит. Европа ҳамда АКШ клублари баҳси.
- 4:30 - 5:50 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.

1 БИРИНЧИ

- 04:00, 08:05 Телеканал "Доброе утро"
- 08:00, 11:00, 14:00, 02:00 Новости
- 08:30 Контрольный закупка
- 09:00 "Жит здрово"
- 10:00 Модный приговор
- 11:20 Т/с "Убийцаи сил"
- 12:20 "Участковий детектив"
- 13:00 Другие новости
- 13:25 Понять. Простить
- 14:30 "Хочу жить"
- 15:00 Т/с "Обручальное кольцо"
- 15:50 "Свобода и справедливость"
- 17:00 Вечерние новости
- 17:35 "035 Давки поженитос"
- 18:50 "Пусть говорят"
- 20:00 "Время"
- 20:30 Т/с "Забавляй"
- 21:30 "Светла на выбор"
- 22:25 Х/ф "Большая американская дырка-3"
- 23:15 Ночные новости

РОССИЯ 1

- 04:00 "Утро России".
- 08:05 "С новым домом". Ток-шоу.
- 09:00 "О самом главном". Ток-шоу.
- 10:00 13:00 15:00 19:00 Вести.
- 10:30 13:30 15:30 Местное время. Вести-Москва.
- 10:50 "Кудачин и партнеры".
- 12:00 Т/с "Тайны следствия".
- 13:50 Вести. Дежурная часть.
- 14:05 "Все к лучшему". Т/с.

- 15:50 "Европийа. Продолжение". Т/с.
- 16:35 "Здравствуй, мама!". Т/с.
- 17:55 "Львовий эфир".
- 19:30 Местное время. Вести.
- 19:50 "Спокойной ночи, малыши!".
- 20:40 Т/с "Светла-5".
- 22:05 "Дежурный в стране".
- 23:05 Т/с Сергей Урсулэца "Исаев".

НТВ

- 03:55 "НТВ утрот".
- 06:30 "Морское дьявола".
- 07:30 08:20 13:30 16:30 Обзор.
- Чрезвычайное происшествие.
- 08:00 11:00 14:00 17:00 Сегодня.
- 08:55 "До суда".
- 10:00 Суи приверженцы.
- 11:25 "Судебный детектив".
- 12:40 Шестр помочи: "Анастасия".
- 14:25 "Прокурорская проверка".
- 15:40 Т/с "Светлаи и локсальевы".
- 17:30 Т/с "Шаман".
- 19:25 Детективный Т/с "Дикаий-2".
- 21:15 Сегодня. Итоги.
- 21:35 Местный понедельник.
- 22:25 "Школа эволюция".
- 23:10 Главная дорога.

РОССИЯ 2

- 04:10 "Все включено"
- 05:00 "Индустрия кино"
- 05:30 "В мире животных"
- 06:05 07:10 11:00 15:55 08:30 Вести-Спорт.
- 06:15 "Все включено"
- 07:30 Вести-Спорт. Местное время.
- 07:30 Х/ф "Сласти родового Райана"
- 10:40 Вестили.
- 11:15 "Все включено"
- 11:45 Дольф Лундгрен в фильме "Врата дьяволов"
- 13:35 "Федор Емельяненко. Последний Император"
- 15:55 Футбол. Чемпионат Англии.
- "Челси" - "Фулэм".
- 17:55 Валейбол. Кубок России.
- Музыкани. "Финал 8-ми". 1/4 финала.
- "Зенит-Казань" - "Белогорье"
- 19:45 Стивен Сигал в фильме "Сегодня ты умреш"
- 21:35 "Нелюдя спорта"
- 22:35 "Меткий зонн - 4". Фильм.
- 23:30 "Нюкпа 2.0. Большой скачок".
- 00:00 "Школа выживания"

СТС

- 05:00 13:00 М/с.
- 07:00 17:30 "Даша молодёжка"
- 08:00 "6 кайро".
- 08:30 Х/ф "Ветхонен-2".
- 10:10 22:15 23:00 "6 кайро".
- 12:00 12:50 14:30 "Берлиал".
- 15:00 "Пашин докка".
- 16:30 "Галилео".
- 18:00 "Воронины".
- 18:30 "Молоковичи".
- 19:30 "Светотор".
- 20:00 Х/ф "Вокруг света за 80 дней".
- 23:30 "Кино в деплях"

ТВ3

- 05:00 М/ф.
- 05:30 Т/с "Третья планета от соннша".
- 11:00 18:00 Т/с "Кармель".
- 12:00 Х/ф "Покер невозможен".
- 14:00 22:45 Т/с "Пиратовский мир".
- 15:00 Т/с "Нерезлаанный мир".
- 16:00 Т/с "Куколчий дом".
- 17:00 Т/с "Запуга наступит сегодня".
- 19:00 Т/с "Апокалипсис".
- 20:00 Д/ф "Анализиса. Угроза из космоса".
- 21:00 Х/ф "Темная вода".
- 23:45 "Покер дуэль"

Хабар

7

OZBEKISTON

05:55 Кўрсатувлар дастури.
06:00 "Ассолом, Ўзбекистон"
07:00 "Идиём".
07:05 "Оيام ва оям" дастури: "Суности дуоаси".
07:20 "Кўнги қўшиқ истайди".
7:25 "Суности қўшиқ", Т/с.
8:00 "Абборот".
8:40 - 9:15 "Манавайн" дастури.
09:15 "Кўрсатувлар саруашлари".
М/с.
09:25 ТелеТарг: "Тошкент саёҳат", 2-қўям.
10:10 ТВ - шифкор".
10:15 "Халқат сабои", Т/с.
11:00 "Абборот".
11:15 "Жаҳон Дорри", Т/с.
12:00 "Ассолом, Ўзбекистон"
12:05 "Кўнги қўшиқ истайди".
13:00 "Абборот" (интиль).
13:10 Миллий сериал: "Янги йил туғилди".
13:55 "Исиём".
14:00 "Абборот".
14:20 "Дўна маназилари".
14:40 Миллий сериал: "Ота-синилари".
15:15 "Исиём".
15:20 "Оيام ва оям" дастури: "Ер саёҳати".
16:05 "Телекор хабарлар".
16:15 "Навоийин англаш".
16:30 "Юрган - дарё".
16:45 "Сарҳис - 2011".
17:00 "Абборот".
17:15 "Сўнги қўшиқ", Т/с.
17:35 "Идиём".
18:00 "Кўнги қўшиқ истайди".
"Болалар сайёҳи".
18:05 "Эркалар - яшавица елкалар".
18:25 "Кун мавзуси".
18:35 Миллий сериал: "Янги йил туғилди".
19:20 "Сўнги алдоқонингиз".
19:25, 20:00, 20:55 Эълонлар.
19:30 "Абборот" /рус/.
20:10 "Отти туғилди".
20:20 Миллий сериал: "Ота-синилари".
21:00 "Абборот".
21:45 "Сарҳис - 2011".
22:00 "Халқат сабои", Т/с.
22:45 "Идиём".
22:50 "Жаҳон Дорри", Т/с.
23:35 "Оيام ва оям" дастури: "Суности дуоаси".
23:50 - 23:55 "Фўн".
23:55 Кўрсатувлар дастури.
00:00 "Кун мавзуси".
00:10 ТелеТарг: "Тошкент саёҳат", 2-қўям.
00:55 "Кўнги қўшиқ истайди".
1:00 "Абборот" /рус/.
1:35 - 2:35 "Манавайн" дастури.
02:35 "Идиём".
02:40 "Юрган - дарё".
02:55 "Отти мерос".
03:10 "Ассолом, Ўзбекистон"
4:00 "Абборот".
04:40 Миллий сериал: "Ота-синилари".
05:15 "Навоийин англаш".
05:30 "Ўзбекистон дастури".
05:50 - 05:55 "Фўн".



06:00 "Ватан меҳри".
06:10 "Ойи - меҳр булоғи".
06:20 "Ўнунинча оқинлар".
07:00 "Халқат сабои".
07:30 "Ўтукчулар" Х/ф.
07:40 "Ёшлик навояри".
08:00 "Келим", Т/с.
08:30 "Секонд қўлар".
09:10 "Қирол ва қанисак", Т/с.
10:00 "Дар".
